

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУЖАНОВА ОЗОДА ТОЖИЕВНА**

**XVI–XVIII АСРЛАР РУС ИШ ЮРИТИШ ЁДГОРЛИКЛАРИДАГИ**  
**ШАРҚИЙ ЭКЗОТИЗМЛАР**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on philological  
Sciences**

**Хужанова Озода Тожиевна**

XVI–XVIII асрлар рус иш юритиш ёдгорликларида шарқий

экзотизмлар..... 3

**Хужанова Озода Тожиевна**

Восточные экзотизмы в памятниках русской деловой письменности

XVI–XVIII вв. .... 23

**Khudjanova Ozoda Tojiyevna**

Eastern exotic lexics in the monuments of russian official writings of the

XVI<sup>th</sup>–XVIII<sup>th</sup> centuries ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 48

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУЖАНОВА ОЗОДА ТОЖИЕВНА**

**XVI–XVIII АСРЛАР РУС ИШ ЮРИТИШ ЁДГОРЛИКЛАРИДАГИ  
ШАРҚИЙ ЭКЗОТИЗМЛАР**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В 2019.3. PhD /Fil 972 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([nuu.md.uz](http://nuu.md.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қулмаматов Дўсмамат Саттарович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Маматов Абди Эшонқулович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Эсанов Уктам Жабборович**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етақчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_»\_\_\_\_\_2020 йил соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 700174, Тошкент, Фаробий кўчаси, 400 уй. Тел: (+99871) 246-08-62; (+99871) 227-10-59; факс: (+99871) 246-65-24; e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 700174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400 уй. Тел: (+99871) 246-08-62.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.

(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Г. Шереметьева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Г.С. Қурбонова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**И.А. Сиддикова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё тилшунослигида ёзма ёдгорликлар матнларида бошқа тилга хос бўлган лексик бирликларни етарли даражада тадқиқ этилмаганлиги қардош ва турли тизимли тиллар тарихий лексикологиясининг кўплаб масалаларини атрофлича ёритишга тўсиқ бўлиб қолмоқда. Сўнги йилларда жаҳон лингвистик манбашунослигида расмий ёдгорликларда мавжуд бўлган ўзлашма сўзларни чуқур ўрганиш, уларнинг қўлланиш хусусиятларини тўлиқ очиб бериш масалалари долзарб ҳисобланмоқда. Шу нуқтаи назардан экзотик лексика тарихи ва семантикасининг матнларда қўлланилиши билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилиши жаҳон тилшунослигида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон тилшунослигида тилларнинг ўзаро муносабати ва ўзаро таъсири тарихини ҳамда дипломатик ёзишмаларнинг ўрнатилиши натижалари, экзолексема изоҳларининг семантизациясини акс эттирадиган тиллараро коммуникация ҳодисаларини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Унинг тадқиқ масаласи тилшуносликнинг семиотика, прагмалингвистика, социолингвистика, психолингвистика, стилистика, нутқ маданияти соҳалари доирасида амалга оширилмоқда. Бинобарин, бизгача етиб келган турли тизимли тилларга оид расмий ёзма ёдгорликлар матнларида қўлланилган рус экзотизмларини тадқиқ этиш замонавий жаҳон лингвистикаси фанининг устивор йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, Россиянинг Мўғулистон, Хитой, Доғистон, Хива ва Бухоро хонликлари билан дипломатик ва савдо алоқаларини акс эттирувчи XVI–XVIII асрлар манбаларида мавжуд бўлган шарқона (туркий, форс, араб, мўғил, хитой ва манчжур<sup>1</sup>) экзотизмларнинг таҳлили ўрганилаётган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Республикамизнинг мустақилликка эришиши муносабати билан Россия ва Шарқ халқлари ҳамда уларнинг тилларини ўзаро муносабатлари тарихини акс эттирувчи Шарқ мамлакатлари, шу жумладан, ўзбек ва рус расмий ёдгорликлари лексик қатламини чуқур ўрганиш долзарб бўлиб қолмоқда. Бу эса «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича «Ҳаракатлар стратегияси»да кўрсатилганидек, «илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»<sup>2</sup>дир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон «Ўзбекистон Республикасида, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълимни тубдан

<sup>1</sup> Манчжур адабий тили, тахмин қилинишича, бошқа олтой тиллари билан биргаликда, қисман сақланиб қолган жонли диалект ҳамда ўлик чжурчжэн тил билан манчжур ёки генетик қардош тунгус-манчжур тилларини жанубий гуруҳини ташкил этади (<https://ru.wikipedia.org/>).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони // «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2017 йил, 13 февраль, 6 (766)-сон, 70-модда.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлашда иктисодиёт соҳаларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иктисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Рус тилининг турли даврларида қўлланилган шарқона сўзларнинг тадқиқи уларнинг барча даражалардаги мослашувида экстралингвистик ва маданий характердаги қийинчиликларни аниқлайди. Илмий адабиётларнинг ҳар томонлама таҳлили шуни кўрсатадики, рус тилининг луғат таркибини бойитган фақат шарқона сўзлар эмас (қаранг: И.Г.Добродомов, Д.С.Кулмамамов, К.Р.Галиуллин, Р.А.Юналеева, И.Г.Васильева, Т.В.Шмелева, Г.Х.Гилязетдинова, Д.Сироткина, Р. И.Хашимов, Н. Н. Мухина ва б.)<sup>3</sup>, бошқа, хусусан, экзотик лексика (қаранг: А.Е.Супрун, С.И.Влахов, С.П.Флорин, А.Я.Каташева, И.Е.Гальченко, Л.П.Крысин, Л.П.Ефремов, Г.Л.Зеленин, А.К.Казкенова, В.В.Ванина, Е.В.Маринова, Л.Г.Самотик, О.Г.Твердохлеб, Г.М.Валеева, И.С.Воронкова, Н.А.Филатова ва б.)<sup>4</sup> ҳам диахроник, ҳам синхрон аспектда тилшуносларнинг тадқиқот

<sup>3</sup> Добродомов И.Г. Заимствование // Русский язык. Энциклопедия. – М., 1979. – 84–85-с.; Кулмамамов Д.С. Среднеазиатские дипломатические документы и их русские переводы XVII в. (Грамоты.Челобитные). – М.: МПГУ, 1994. – 109 с.; Галиуллин К.Р. Лексикографирование в контактологических исследованиях // Проблемы языкового контактирования в конкретных полиэтнических регионах СССР: Всесоюзная науч. конф. Тезисы докладов – Махачкала, 1991. – 130–131- с.; Юналеева Р.А. Тюркизмы русского языка (проблемы полиаспектного исследования). – Казань: Таглитат, 2000. – 135 с.; Васильева И.Г. Стилистическое своеобразие романа Ч.Айтматова «И дольше века длится день» как произведения советской интернациональной литературы // РЯШ. – М.: Изд-во ООО «Наш язык», 1981. – № 5. – 80-с.; Шмелева Т.В. Ориентализмы [Электронный ресурс] // Газета СФУ «Сибирский форум. Интеллектуальный диалог» / URL: <http://sibforum.sfu-kras.ru/node/386>; Гилязетдинова Г.Х. Семантическое развитие ориентализмов в языке Московского государства (на материале памятников письменности XVI–XVII вв.) // Ученые записки Казанского государственного университета. Гуманитарные науки. – Казань: Изд-во КазГУ, 2008. – Т. 150. – Кн. 2. – 19–26- с.; Сироткина Д. Восточные слова в русском языке [Электронный ресурс] // URL: [https://vk.com/topic-4252164\\_24977384](https://vk.com/topic-4252164_24977384); Хашимов Р.И. Восточная лексика и ее реактивизация // Филологос. – № 12. – Елец: Изд-во ЕГУ, 2012. – 102–109- с.; Мухина Н.Н. Восточные заимствования в современном русском языке: системно-описательный аспект: Дисс. ... канд. филол. наук. – Владикавказ: СКФУ, 2019. – 192 с.

<sup>4</sup>Супрун А.Е. Экзотическая лексика // Научные доклады высшей школы. Филологические науки. – М.: Наука, 1958. – № 2. – 51–54- с.; Влахов С.И., Флорин С.П. Непереводимое в переводе. – М.: Валент, 2009. – 7- с.; Каташева А.Я. Тюркизмы в языке города (на материале речи русского населения горнозаводской зоны Челябинской области) // Живая речь уральского города. Сборник научных трудов. – Свердловск: УрГУ, 1988. –

объекти бўлган. Аммо, XVI–XVIII асрлар рус расмий ёзма ёдгорликлари матнлари таркибидаги шарқона экзотик лексемалар мазкур тадқиқотларда махсус ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Термиз давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Рус тарихий лексикологияси ва лексикографиясининг долзарб муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** XVI–XVIII асрлар рус дипломатик ёдгорликлари матнларида қўлланилган шарқона экзотик лексемаларни фонетик-морфологик ва лексик-семантик аспектда комплекс ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

экзотизмлар масалаларини ўрганишдаги муҳим назарий ютуқларни кўрсатиш ва шарқона экзотизмларни ўрганиш учун XVI–XVIII асрлардаги рус расмий ёзма ёдгорликларининг лингвистик манба сифатида манбашунослик (нуқтаи назаридан) тавсифини бериш;

XVI–XVIII асрлар рус расмий ёдгорликлари матнлари ва лексикографик манбалардаги шарқона экзотизмларни топиш, уларнинг ўрганилаётган давр рус тили лексик тизимидаги ўрнини аниқлаш;

шарқона экзотизмларни лексик-семантик ва этимологик таҳлил қилиш, тематик гуруҳларга ажратиш;

тадқиқ қилинаётган лексик бирликлар вариантларини аниқлашни ҳисобга олган ҳолда шарқона экзотизмларнинг фонетик, морфологик ва семантик мослашишини таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Россия ва Шарқ халқлари ўртасидаги тил алоқаларини ўзида акс эттирган XVI–XVIII асрлардаги рус расмий ёзма ёдгорликларида ишлатилган шарқона экзотизмлар танланди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни XVI–XVIII асрлар рус расмий ёзма ёдгорликлари матнлари ва рус тилининг тарихий луғатларида шарқона экзотик лексемалар ишлатилишининг ўзига хос хусусиятларини ҳамда уларнинг

---

104–110- с.; Гальченко И.Е. Северокавказские регионализмы в лексике современного русского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М.: МПГУ, 1980. – 4- с.; Крысин Л.П. Иноязычные слова в русском языке. – М.: Наука, 1968. – 77- с.; Ефремов Л.П. Основы теории лексического калькирования. – Алма-Ата: КазГУ, 1974. – 166- с.; Зеленин Г.Л. Немецкая экзотическая лексика в русском языке XIX века: Дисс. ... канд. филол. наук. – М.: МПГУ, 1991. – 296 с.; Казкенова А.К. Онтология заимствованного слова. Монография. 2-е изд. – М.: ФЛИНТА, 2013 – 248 с.; Маринова Е.В. Экзотическая лексика как лингвистический феномен // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского. Серия Филология. – Н.Новгород: ННГУ. 2003. – № 1. – 138–142- с.; Сомтик Л.Г. Словарь пассивного словарного состава русского языка: историзмы, архаизмы, экзотизмы, диалектизмы и просторечия. – Красноярск: КГПУ, 2005. – 424 с.; Зюрина Т.П. Экзотизмы и их использование в русской литературной речи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М.: МПГУ, 1995. – 19 с.; Твердохлеб О.Г. Историзмы–экзотизмы // Филологический аспект: международный научно-практический журнал. – Н.Новгород: Научно-издательский центр «Открытое знание», 2016. – № 10. – 64–71- с.; Валеева Г.М. Функционально–семантический статус экзотических лексем в разноструктурных языках: Автореф. ... канд. филол. наук. – Чебоксары: ФГОУ ВПО, 2010. – 26 с.; Воронкова И.С. О понятиях «экзотизмы» и «варваризмы» // Вестник Воронежского государственного университета. Серия: Лингвистика и межкультурная коммуникация. – Воронеж Изд-во: ВГУ, 2006. – № 2. – 77–80- с.; Филатова Н.А. Русская экзотическая лексика во французском языке и французская экзотическая лексика в русском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – М.: МПГУ, 2009. – 290 с.

лексик-семантик ва фонетик-морфологик даражаларда мослашганликларини аниқлаш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда назарий маълумотларни умумлаш ва системлаш; маданий; қиёсий-чоғиштирама; манбашунослик ҳамда статистик (санок) усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

рус тилшунослигида экзотизм масаласини ўрганиш борасида илмий адабиётлар таҳлил этилиб, шарқона экзотизмларни тадқиқ қилиш учун XVI–XVIII асрлар рус расмий ёдгорликлари муҳим лингвистик манба эканлиги исботлаган;

рус тилининг тарихий луғатларида ўз аксини топмаган, рус тарихий лексикологик манбаларида изоҳлари қайд этилмаган шарқона экзотизмлар маъносининг торайиши ва кенгайиши билан боғлиқ семантик ўзгаришлар очиб берилган;

XVI–XVIII асрлар рус расмий ёдгорликлари матнларида қўлланилган шарқона экзотизмларнинг лексик-семантик гуруҳлари ва этимологияси аниқланган;

шарқона экзолексемаларнинг XVI–XVIII асрлар рус ёзма расмий ёдгорликлари матнларида фонетик, морфологик ва семантик жиҳатдан мослашуви далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

XVI–XVIII асрлар рус расмий ёзма ёдгорликлари луғат таркибида шарқона экзотизмларнинг қайд этилиши тўғрисида маълумотлар олинган;

шарқона экзотизмларнинг фонетик, морфологик хусусиятларини аниқлаш учун XVI–XVIII асрлар рус расмий ёдгорликлари тадқиқининг аҳамияти кўрсатилган;

рус тили тарихий луғатларида қайд қилинмаган, шарқона экзолексемаларни ўрганиш бўйича услубий тавсияномалар ишлаб чиқилди ва ўқув жараёнига киритилган;

олий ўқув юртларидаги лексикология дарсларида шарқона экзотик лексемаларни ишлатиш механизми ишлаб чиқилган.

**Илмий тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** олинган хулосаларнинг ишончлилиги ва барқарорлиги, рус расмий ёзма ёдгорликларини ўрганиш орқали тўпланган далилларнинг ҳақиқийлиги, ОАК томонидан тавсия қилинган республика миқёсидаги ва хорижий журналларда, республика ва хорижий илмий конференциялар тўпламларида мақолалар нашр қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти экзотизм назарий масалалари очиб берилганлиги, мазкур ҳодисанинг юз бериш лингвистик жараёни, унда шарқ тилларига оид лексик birlikлар иштироки омиллари аниқланганлиги, шарқона экзолексемаларнинг рус расмий ёдгорликлари матнларида фонетик, морфологик ва семантик мослашувлари далилланганлиги, рус тилшунослигида



матн муаммосини яна чуқурроқ таҳлил қилишга назарий асос бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертациянинг хулосалари ва материалларидан ОТМлар учун рус тилшунослиги фанлари назарий курслари бўйича материал сифатида дарслик ва қўлланмалар ёзишда, рус тарихий фонетикаси, лексикологияси, грамматикаси курсларини ўқитишда, шарқона экзотизмлар луғатларини тузишда унумли фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва амалий хулоса, тавсия ва ишланмалар асосида:

лексикология, морфология ва маданиятлараро коммуникацияни далилловчи илмий-назарий хулосалардан Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган ИДТ-1-07 рақамли «Тилшунослик асослари фанидан дарслик, ўқув-услубий мажмуа яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 10 августдаги 89–03–2762-сон маълумотномаси). Натижада XVI–XVIII аср рус тили луғат қатламига кириб келган шарқ тилларига оид экзотизмларни маъноси, вақтини ойдинлаштириш, уларнинг рус расмий ёзма ёдгорликлари матнларида, лексикографик манбаларда қайд этилишини аниқлаш имконини берган;

шарқ тилларига оид экзотизмларнинг лексик-семантик хусусиятлари ва этимологияси тўғрисидаги илмий маълумотлардан Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган ОТ-F1-69 рақамли «Санкт-Петербург қўлёзмалар институти ва Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Шарқ қўлёзмалар марказида сақланаётган Хоразм адабий манбаларини комплекс ўрганиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 10 августдаги 89–03–2762-сон маълумотномаси). Натижада адабий манбалар матнини таҳлил қилишда ўқувчиларнинг мустақил фикрлашга доир билимларини оширишга хизмат қилган;

тадқиқотнинг рус-мўғул, рус-хитой, рус-Ўрта Осиё алоқаларига оид рус расмий ёзма ёдгорликларинининг фонетик, лексик ва грамматик жиҳатларини акс эттирувчи манбаларини муомилага киритиш ва ўрганиш бўйича олинган натижаларидан Сурхондарё вилояти рус маданияти маркази томонидан ташкил этилган «Россиянинг Шарқ билан маданий ва дипломатик алоқалари» мавзусидаги анжуман дастурини ва материалларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Рус маданияти марказининг 2020 йил 22 январдаги 02-12-сон гувоҳномаси). Натижада XVI–XVIII асрлардаги рус расмий ёзма ёдгорликларини ўрганиш юзасидан тўпланган маълумотлар мазкур соҳадаги илмий-тадқиқот ишларини бойитишга хизмат қилган;

Россиянинг Шарқ билан алоқаларини акс эттирувчи XVI–XVIII асрлардаги рус расмий ёзма ёдгорликларининг илмий материалларидан «Ишонч» телеканалда намоиш этилган «Фаннинг ёшлар тарбиясидаги роли» телекўрсатувида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилояти «Ишонч» телерадиокомпаниясининг 2019 йил 18 ноябрдаги 297-сон

маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатув учун тайёрланган материалларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари илмий маъруза кўринишда 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, илова ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 127 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, амалий натижалари ва илмий янгилиги баён қилинган, тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«XVI–XVIII асрлар рус расмий ҳужжатлари ёдгорликлари экзотизмлари тадқиқотининг назарий асослари»** экзотизмлар ҳақидаги масаланинг ёритилиши тарихи, рус расмий ёзма ёдгорликлари ва шарқона экзотизмлар, шунингдек, уларни тушунтириш учун қўлланилган ички матн глоссалари тадқиқи муаммоларига бағишланган.

Замонавий тилшунослик ўзлашмаларнинг умумий муаммолари, чет тили сўзларининг алоҳида ва конкрет туркумларига бағишланган кўп сонли тадқиқотларга эга. Аммо тилшуносликнинг ҳали хал этилмаган масалаларидан бири сифатида, юқорида қайд этганимиздек, XVI–XVIII асрлар рус расмий ёдгорликларида учрайдиган экзотизмлар таҳлилини ҳисоблаш жоиздир. Тан олиш керакки, ҳозирги вақтда луғат таркибининг мазкур қатламини ўрганиш рус тили тарихий лексикология ва лексикографиясининг энг долзарб муаммоларидан биридир, чунки сўзлар тарихи билан боғлиқ кўпгина масалалар, расмий ёзма ёдгорликлар етарлича тадқиқ этилмаганлиги боис, ҳозирча ўзининг якуний ечимини топмаган.

Маълумки, адабиётшуносликка доир «экзотизм» тушунчаси [юн. *exotikos* «бегона, чет эллик»] тилшуносликда илк бор 1937 йилда Л.А.Булаховский томонидан М.Ю.Лермонтов ва А.А.Бестужев-Марлинскийларнинг асарларида учрайдиган<sup>5</sup>кавказ тилларига мансуб сўзларни таърифлаш учун қўлланилган.

<sup>5</sup> Булаховский А.А. Курс русского литературного языка. – Киев: Радянська школа, 1952. – 49- с.

Орадан бир неча йил ўтиб – ўтган асрнинг 50 йиллари охирида – «экзотизм» («экзотик лексика») термини А.Е.Супрун томонидан чоп этилган «Экзотическая лексика» мақолада лингвистик атама сифатида қўлланилган. Унинг нуқтаи назарига кўра, «экзотизм» тушунчаси қуйидаги маъноларни берувчи сўз сифатида талкин қилинган: а) мазкур ҳудуд учун бегона, ўзига хос; б) ғалати, антиқалиги билан ажралиб турадиган<sup>6</sup>. Мазкур изоҳлар ҳар қандай экзотизмларга нисбатан қўлланилса ҳам тўғри бўлади.

Шу даврдан бошлаб тилшуносларнинг «экзотизм» терминига бўлган қизиқиши ортди ва у турлича изоҳлар олиб бошлади. Бу борада Л.Г.Самотикнинг фикри қизиқиш уйғотади, у «Внелитературные экзотизмы в русском языке: сферы использования» («Рус тилидаги адабий тилдан ташқари экзотизмлар: қўлланилиш соҳалари») номли мақоласида экзотизмларга коммуникация бирлиги сифатида қуйидагича таъриф беради: «Экзотизмлар (юн. *exotikos* «бегона, чет эллик») – рус тилида рус воқелигига ёт ҳодисаларни ифодалайдиган сўзлар»<sup>7</sup>. У хорижий тилшуносликда рус термини «экзотизм» га мос келадиган номланиш мавжуд эмас, – деб ҳам таъкидлайди. Адабий тилдан ташқари, экзотизмлар ва уларнинг қўлланилиш соҳасини тадқиқ қила туриб, у «фон» ва «туристик» деб аталадиган экзотизмларни ажратиб кўрсатади. Е.В.Маринованинг фикрича, «экзотизмлар – бу «бегона» маданий реалияни, яъни Россияга оид воқеликда йўқ (ва йўқ бўлган) шундай реалияни, билдирадиган, келиб чиқиши хорижий бўлган сўзлар»<sup>8</sup>.

А.К.Казкенова, ўзлашма сўзлар ҳақида фикр юритар экан, «бегона оламнинг» воқелик ва атрибутлари: урф-одат, анъана, кийим-кечак, овқат ва ҳоказолар тушунилади», – деб кўрсатади. У экзотизмларни концептуал ўзлаштирилмаган лексика (ўзлаштириб олаётган тилда эквиваленти мавжуд бўлмаган), деб ҳисоблайди, бу эса уларни бошқа лексик гуруҳлардан фарқлайди, чунки экзотизмларнинг асосий вазифаси – бу «бегона оламнинг лисоний манзараси парчаларининг акс эттиришдир»<sup>9</sup>.

Кўринадики, мазкур термин маъноси ҳақидаги қарашларда ханузгача бир хиллик мавжуд эмас. XVI–XVIII асрлар рус расмий ёзма ёдгорликлари бўйича тўпланган фактик материалларнинг таҳлили жараёнида биз Г.Л.Зеленин томонидан таклиф этилган экзотик лексиканинг муфассал таърифини қабул қилдик: «экзотизмлар – бу бошқа мамлакат ва халқлар ҳаёти билан боғлиқ бўлган предмет, ҳодиса, тушунчаларни номлайдиган чет эл сўзлари ва иборалари»<sup>10</sup>.

Экзотизмларга бағишланган илмий ишлар таҳлили қуйидагиларни кўрсатди:

<sup>6</sup>Супрун А.Е. Экзотическая лексика // Научные доклады высшей школы. Филологические науки. – М.: Наука, 1958. – № 2. – 51–54- с.

<sup>7</sup> Самотик Л.Г. Внелитературные экзотизмы в русском языке: сферы использования // Вестник Красноярского государственного педагогического университета им. В.П.Астафьева. – Красноярск: ТГУ, 2010. – № 1. – 160- с.

<sup>8</sup>Маринова Е.В. Экзотическая лексика как лингвистический феномен // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского. Серия Филология. – Н.Новгород: ННГУ. 2003. – № 1. – 49- с.

<sup>9</sup> Казкенова А.К. Онтология заимствованного слова. Монография. 2-е изд. – М.: ФЛИНТА, 2013. – 76- с.

<sup>10</sup>Зеленин Г.Л. Немецкая экзотическая лексика в русском языке XIX века: Дисс. ... канд. филол. наук. – М.: МПГУ, 1991. – 55–56- с.

1) экзотизм деганда қабул қилувчи тилнинг ўрни, вақти ва шартларига қараб мослашиб ва ассимиляциялашиб ўзлашган, шаклини ўзгартирган лексикани тушуниш керак;

2) экзотизмлар тавсифи хусусида олимларнинг фикри асосан бири-бирига тўғри келади, чунки улар ҳақиқатдан ҳам рус тилида сўзлашувчиларга нотаниш, ўзига хос ҳодисалар ва тушунчаларни билдиради;

3) экзотизмлар, миллий тарихий колоритни ифодалаган ҳолда, хоҳлаган тилда қўлланилиши мумкин;

4) экзотизмлар периферик лексика фондини тўлдирган ҳолда, окказионал тарзда қўлланилиши ҳам, қабул қилувчи тил тизимига кириши ҳам мумкин;

5) XVI–XVIII асрлар рус расмий ёзма ёдгорликларида мавжуд бўлган шарқона экзотизмлар монографик планда махсус лингвистик таҳлилга жалб қилинмаган.

Россиянинг Шарқ мамлакатлари билан дипломатик ва савдо алоқаларини тавсифловчи рус расмий ёдгорликларини ўрганишга киришар эканмиз, улар асосан тарих фани<sup>11</sup> нуқтаи назаридан кўриб чиқилганлигини, лекин лингвистик жиҳатдан етарли даражада ўрганилмаганлигини қайд қилиш лозим. Бу муносабатлар Россия-Шарқ дипломатик ёзишмаларини ўрнатишга, рус ва шарқий тилларни ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсир этишига олиб келди. «Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР» (Материалы...), «Материалы по истории русско-монгольских отношений 1607–1636» (МРМО1), «Материалы по истории русско-монгольских отношений 1636–1654» (МРМО2), «Русско–китайские отношения в XVIII веке» (РКО), «Русско–дагестанские отношения в XVIII – начале XIX века» (РДО) ҳужжатлар тўпламида мавжуд расмий ёзма ёдгорликлар матнида қўлланилган шарқона экзотизмлар фикримизнинг ёрқин далилидир. Мазкур тўпламларда мавжуд бўлган ҳужжатлар: грамоталар, отпискалар, ҳисоботлар, арзномалар, давлат ҳукмдорлари совғаларининг рўйхатлари ва суриштириш нутқлари кўрсатилган давр рус тили луғат таркибида мавжуд бўлган шарқона экзотизмларни ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатларнинг мазмуни ва уларнинг лингвистик манба сифатида аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун улардан баъзи бирларини таърифини беришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

**Грамота** – «бу бирон бир давлат ҳукмдорининг маҳаллий муассасалар ва бошқа мамлакатларнинг амалдорларига расмий ёзма мурожаатини ўзида акс эттирувчи расмий ҳужжат»<sup>12</sup>. Уларнинг матнларидаги қўлланилган Шарқ халқларининг ҳақиқий турмуш тарзини акс эттирувчи шарқона экзотизмлар ўзига катта эътиборни тортади, булар: а) мансабдор ва маъмурий шахслар;

<sup>11</sup> Жуковский С.В. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие. – Пг., 1915. – 215 с.; Уляницкий В.А. Сношения России с Среднею Азиею и Индиею в XVI–XVII вв. (По документам Московского главного архива Министерства иностранных дел). – М.: Университетская типография, 1889. – 62 с.; Усманов М.А. О документах русско-восточной переписки на тюркских языках XV–XVIII вв. и их источниковедческом значении // Восточное историческое источниковедение и специальные исторические документы. – М.: Наука, 1994. – Вып. 2. – 123–138- с.

<sup>12</sup> Кулмаатов Д.С. Среднеазиатские дипломатические документы и их русские переводы XVII в. (Грамоты. Челобитные.). – М.: МПГУ, 1994. – 7- с.

б) пул бирликлари; в) ўлчов бирликлари; г) мато ва кийимлар; д) бошқарув бирликлари; е) ҳайвонлар, ўсимликлар ва ҳоказоларнинг номларидир: *сан, богдыхан, кутухта, алахамба, улус, вилайет, лан, ельбарс*.

**Отписка** – «бирон бир ташкилот қарамоғидаги маҳаллий муассасанинг юқори турувчи марказий муассаса подшоҳи (XVI–XVII асрлар) номига хабари»<sup>13</sup>. Отпискалар матнини расмийлаштиришда адресантларга рус халқи ҳаётида мавжуд бўлмаган, Шарқ халқлари турмуш тарзининг предмет ва ҳодисаларини етказиб ҳамда таърифлаб берадиган шарқона экзотик сўзларни ишлатишга тўғри келган: *фарабат, лас, киндяк, мечеть, аманат, ансырь, топа* ва бошқ.

**Рўйхатли ҳисобот** – «рус элчихонасининг хорижий давлатда бўлганлиги ҳақида бўлим ва моддалар бўйича тузилган ҳисоботи»<sup>14</sup>. Элчилар Шарқ мамлакатларида яшаган ҳар бир кунларини катта аниқлик билан таърифлаганлар: шарқ ҳукмдорлари саройларидаги маросимлар, ички давлат тузилиши, табиий бойликлари, шарқона урф-одатлар, Шарқ халқларининг турмуши ва уларнинг динини икки-чикирларини тасвирлаганлар. Табиийки, мазкур ҳодисаларни аниқ тасвирлаш учун улар шарқий тилларга хос у ёки бу экзотик сўзларни ишлатишга мажбур бўлганлар: *мулла, ланза, шабинар, курныш, богдыхан, жанги, кап, бахча* ва бошқ.

**Арзнамалар** – «бу ўз таркибида бирон бир нарса ҳақида илтимос ёки шикоятни мужассамлаштирган ҳужжат»<sup>15</sup>. Бу ўша даврда энг кўп тарқалган ҳужжат эди. Уни элчилар, мансабдор шахслар ёки оддий инсонлар рус подшоҳлари номига ёзганлар<sup>16</sup>. Биз қараб чиққан манбалар орасида – булар тематик планда хилма-хил: *зендень, ямь, китан, вилайт, азиям* каби шарқона экзотизмларни қўллаган Приказная изба («Буйруқ маҳкамаси»)даги подъячийлари (мирзалари), Шарқ хонлари қариндошлари, ламалар (Хитой ва Мўғулистондаги будда дини роҳиблари)нинг арзнамалари.

**Рўйхат (Роспись)** – «бирон бир нарсанинг рўйхати (XVIII асргача)»<sup>17</sup>. Одатда элчилар етиб келганидан кейин ўз ҳукмдорларининг совғаларини қабул қилувчи томонга подшоҳ ва шарқий ҳукмдорлар девонхоналари томонидан тузилган рўйхат бўйича топширишган. Уларда совғалар ва уларнинг номлари кўрсатилган батафсил рўйхат берилган. Мўғулистон, Хитой, Хива ва Бухоро ҳукмдорларининг рўйхатларида шундай шарқона экзотизмларнинг анча кўп миқдори қайд қилинган: *катырь, ишек, чуга, аракчин* ва бошқ.

<sup>13</sup> Краткий словарь видов и разновидностей документов / Отв. ред. канд. истор. наук Малитиков А.С. – М., 1974. – 71- с.

<sup>14</sup> Ўша асар. – 77- с.

<sup>15</sup> Кулмаатов Д.С. Среднеазиатские дипломатические документы и их русские переводы XVII в. (Грамоты. Челобитные). – М.: МПГУ, 1994. – 7- с.

<sup>16</sup> См.: Волков С.С. Лексика русских челобитных XVII века. – Изд-во ЛГУ, 1974. – 164 с.; Лихачев Н.П. Дипломатика (лекции, записанные слушателями археологического института). – СПб., 1901. – 221 с.; Садыклы Н.Е. Лексика московских челобитных XVII века. (Лексико-семантические процессы): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Баку: Изд-во АПИРЯиЛ, 1973. – 22 с.; Кулмаатов Д.С. Среднеазиатские дипломатические документы и их русские переводы XVII в. (Грамоты. Челобитные). – М.: МПГУ, 1994. – 109 с.; Майоров А.П. Явочные челобитные как памятники русского языка XVI–XVII вв.: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М.: ИРЯ АН СССР, 1987. – 19- с.

<sup>17</sup> Краткий словарь видов и разновидностей документов / Отв. ред. канд. истор. наук Малитиков А.С. – М., 1974. – 75- с.

**Суриштирув нутқлари** – «турли ижтимоий тоифа ва келиб чиқишга эга рус одамларининг: посадда (шаҳар деворларидан ташқарида) яшовчи қуйи табақа вакиллари – ўқчилар, тўпчилар, аскарлар, стольниклар (13-17 асрлар Русьда: бояринлардан бир даража қуйи аёни, дастлаб сарой дастурхончилари), стряпчийлар (революциядан илгари Россияда: хўжалик ишлари билан шуғулланган ходимлар), боярлар фарзандлари, рухонийлар; «қўшнилар», бегоналар, «шу ерда яшовчи кишилар» ва ҳоказоларни гувоҳлигида»<sup>18</sup> айтганлари. Бизнинг манбаларга қараганда, суриштирувга Қолмиқ ерларига сафар қилган хизматчи одамлар, Олтин-хон ҳузурига борган атаман ва десятниклар, қолмиқ тайши ҳузурида бўлган тилмочлар, боярлар фарзандлари жалб қилинган. Санаб ўтилган ҳар бир ҳужжатда сўроқ қилинаётган одамларнинг оғзаки нутқларида қўлланилган ва кейинчалик подъячий (мирза)лар томонидан тўлдирилган матнларда ўз тасдиғини топган *отлас*, *кутухта*, *камка*, *лоба*, *раят*, *киштым*, *тюльфар* ва бошқа шарқона экзотик лексикани топиш мумкин.

Ҳозирги вақтда рус тарихий лексикология ва лексикографиясининг муаммолари орасида рус расмий ёзма ёдгорликлари матнларида учрайдиган шарқона экзотизмларни талқин қилиш, тушунтириш ва тушуниш масалалари муҳим ўрин эгаллайди. Бу борада «бевосита қўлёзма ёки китоб матнида – изоҳга муҳтож бўлган сўзлар усти ёки остида (сатрлараро ёки интерлиенар глоссалар), шунингдек, ҳошиядаги (маргинал глоссалар), ёкиглоссарийлар – ўз ичига қамраб олган махсус луғатлар»<sup>19</sup>даги глосслар (қад. юн. γλῶσσα «тил; нутқ») тадқиқи катта қизиқиш уйғотади.

Тилшуносларнинг илмий ишлари таҳлили шуни кўрсатадики, Россиянинг Шарқ мамлакатлари билан дипломатик ва савдо-сотик алоқаларини ўзида акс эттирадиган рус-шарқ расмий ёдгорликлари матнларига киритилган шарқона экзотизмлар ва ҳар хил усулда ясалган глоссалар махсус лингвистик тадқиқот объекти бўлмаган<sup>20</sup>.

**«Шарқона экзотизмларининг лексик-семантик гуруҳлари»** деб номланган иккинчи бобда 1) давлат муассасалари, унвонлар ва табақалар; 2) метрологик ва нумизматик birlikлар; 3) диний тушунчалар; 4) географик номлар; 5) матолар ва кийимлар номлари; 6) флора ва фауна каби тушунчаларни ифодаловчи шарқона экзотизмлар таҳлил қилинади.

Ишимизда таҳлил қилинаётган рус расмий ёзма ёдгорликлари муҳим аҳамиятли: улар тил, маданият ва иқтисодиёт тарихи ҳақида ишончли маълумотлар беради. XVI–XVIII асрлар рус расмий ёдгорликлари – грамоталар, отпискалар, ёдномалар, оғзаки сўровлар, рўйхатли ҳисоботлар. Шарқ давлатлари сиёсий тузуми (*Пытер Дзурган*, *Хишан дзюрган*), давлат бошқаруви (*конютай*, *богдыхан*, *албавут*, *джандун*, *жунувана*, *гун*, *алеханба*, *цуглан*) ва табақаларини тавсифлайдиган қатор шарқона экзотизмларни ўз ичига олган.

<sup>18</sup> Кулмамаев Д.С. Среднеазиатские дела Посольского приказа как источник для истории русского языка. – Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – М.: МПГУ, 1995. – 22- с.

<sup>19</sup> Федосеева Н.Н. Глосса// Лингвистический энциклопедический словарь / Под ред. В. Н. Ярцевой; Ин-т языкознания АН СССР. – М.: Сов. энцикл., 1990. – 107- с.

<sup>20</sup> Бу ҳақда ушбу диссертациянинг биринчи бобини қаранг.

Ушбу лексемаларнинг ўзига хос характерли хусусиятларини уларнинг кўрсатилаган манбалар матнларида қай даражада қўлланганлигини ўрганиш йўли билан аниқлаш мумкин.

*Хишан дзюрган* 1726 йилда чет эл Коллегиясида бажарилган С.Л. Владиславич–Рагузинскийнинг рўйхатли ҳисоботини кўчирмасида қайд этилган: «По прибытии к двору были в Военном приказе, которой по их называется Хишан дзюрган, где с вышеписанными дариамбою и асханьямою присутствовал и мерин–дзангин»<sup>21</sup>. Бу ерда «ҳарбий буйруғ» («военный приказ») ички матн глоссидан фойдаланиш йўли билан бошқа хитой давлат муассасаси тавсифи берилган. Аини ҳолда изоҳ олдинги позицияни эгаллаган ва «по их называется» кўрсатмаси билан киритилган.

*Албавут* 1644 йил 12 февралда Эрден Батур-хунтайджнинг подшоҳ Михаил Фёдоровичга кулларни пул тўламай қайтариш ҳақида ва унга сўралган совғаларни юбориш ҳақида ёзган хатида қайд этилган: «Да албавут [воевода] ваш, который пришел в Тумбы и взял Карсагила, по вашему ль государеву указу или нет»<sup>22</sup>. Ноширларнинг кўрсатишича, *воевода* сўзи *албавут* экзотизимига «изоҳ сифатида ҳошияда қўшиб ёзилган». Бу ерда мирза «қўлёзма ёки қадимий босма китобларнинг ҳошиясида»<sup>23</sup> жойлашадиган глоссанинг маргинал кўринишини қўллаган.

«Словарь русского языка XI–XVII вв.»нинг маълумотида мувофиқ, *воевода* сўзи қадимий рус тилида иккита маънода қўлланилган: «1. *Воевода* (шаҳар ҳокими – О.Х.), *лашкарбоши*. 2. *Жойларда юқори (кўпинча ҳарбий) ҳокимиятни кўрсатадиган шахс*»<sup>24</sup>. Шарқона экзотизм *албавут* рус тили луғатларида қайд этилмаган *албаут* кўринишдаги яна бир фонетик вариантга эга.

Ўрганилаётган расмий ёдгорликларнинг матнида мавжуд бўлган ер ўлчовлари (*ли*), ўлчов бирликлари (*топа, аршин, сан, тай*), оғирлик ўлчови (*чин, гин, фун, ансырь, тюнь, бахча, кап, харал*) номлари, пул бирликлари номлари (*лан, гиссы (жоссы), абаса, алтын*) алоҳида лексик-семантик гуруҳни ташкил қилади. Уларнинг баъзи бирларига тўхталиб ўтамиз.

Шарқона экзотизм *топа* 1640 йил 28 февралда Москвага кирмай, йўлда қалмиқлар шилгани ва шу туфайли ноилож Бухорога қайтган, Астраханда бўлган бухоро элчиси Ходжа Иброҳим ҳақида астраханнинг воеводаси (шаҳар ҳокими) князь Юрий Андреевич Сицкойнинг ўртоқлари билан подшоҳ Михаил Фёдоровичга ёзган ёдномасида қайд қилинган: «...к тебе ко государю послано было в дарех 4 аргамака да каменья 41 яхонт...9 топок миткалей большие руки в топе по 3 портища...»<sup>25</sup>.

<sup>21</sup> Русско–китайские отношения в XVIII в. Материалы и документы. – М.: Изд–во Восточной литературы, 1990. – Т. 2. – 440- с.

<sup>22</sup> МРМО2. – 235- с.

<sup>23</sup> См.: Шаймерденова Н.Ж. Глоссы как феномен текста. – Алматы: БОРКИ, 1997. – 17- с.

<sup>24</sup> Словарь русского языка XI–XVII вв. – М.: Наука, 1975. – Вып. 2. – 261- с.

<sup>25</sup> Материалы ... – 149–151- с.

«Материалы ...» хужжатлар тўпламига илова қилинган камтушунарли сўзлар луғатида шарқона экзотизм *тона* қуйидаги кўринишда талқин қилинган: «пачка, боғлам (тахлам), улгуржи савдода рўмол учун ўлчов»<sup>26</sup>.

Шарқона экзотизм *лан* 1636 йил 28 январда русларнинг Хитой давлатида бўлган сафари ҳақида тилмоч П.Врасскийнинг элчилар Олтин хон ва лаба Мерген-ланз билан бўлаган суҳбатига тегишли расмий хужжатда қуйида изоҳ билан қайд этилган: «А купят де у них в том городе доброй соболь один по 10–ти серебряных ланов, а в лане в одном здешних русских денег рубль»<sup>27</sup>. Ушбу контекстдан кўринадики, *лан* кўп сўзли ички матн глосса «в лане в одном здешних русских денег рубль» билан изоҳланган.

«Словарь русского языка XI–XVII вв.» *ланни* «XVII аср Хитойда ўлчов бирлиги, 37,301г.га тенг» маънода 1678 йил билан «Статейный список посольства Н.Спафария в Китай (1675–1678)» номли хужжатда қайд қилган: «Подарки ... легень с рукомойникомъ весомъ 80 ланъ. . . легень серебряной съ рукомойникомъ вѣсомъ 120 ланъ»<sup>28</sup>

Биз томонимиздан ўрганилаётган янги материаллар шарқона экзотизм *ланнинг* рус тили расмий ёдгорликларида олдинроқ қайд этилганини (1636 й.) ва унинг аниқ маъносини очиб беришга имкон яратди.

Россиянинг Шарқ мамлакатлари билан дипломатик ва савдо-сотик алоқаларига оид хужжатларни ўрганиш шуни кўрсатадики, ушбу давлатларнинг ички ҳаётида дин катта аҳамиятга эга бўлиб келган. Шунинг учун Россия Хитой, Мўғулистон, Хива ва Бухоро хонликлари ва бошқа давлатлар билан алоқага киришиб, доимо уларнинг дини билан қизиққан. Рус ҳукмдорларининг фармон, ёрликлари, Россия подшоҳларининг грамоталарида, рус шаҳарлари воеводаларининг отпискаларида, рус ва шарқ элчиларининг арзномаларида, суриштирув нутқларида, рўйхатли ҳисоботларида учрайдиган *коран*, *мулла*, *лоба*, *кутухта* каби шарқона диний лексемалар бунинг ёрқин далилидир.

Ушбу санаб ўтилган шарқона экзотизмлар ичида *кутухта* – «мўғулларнинг олий руҳонийси» катта қизиқиш уйғотади. Мазкур шарқона экзотизм 1617 йил 2 февралдаги Тарск шаҳрининг атамани В.Тюменц ва ўнбоши И. Петровнинг Тоболск буйруқлар қабулхонасида суриштирув нутқларида учрайди: «А как де тот кутухта родился, и он де грамоте умел»<sup>29</sup>. Аммо 1620 йил 11 январдаги Олтин-хоннинг элчиси лаба Тарханнинг Элчилик девонидаги суриштирув нутқида *кутухта* шарқона экзотизми «мўғул монастирларининг эгаси» бирикмаси билан шарҳланади: «А владетель де мугальскими монастырями – *кутухта*, а они де в лабы становятся от кутухты»<sup>30</sup>. Юқорида келтирилган матн асосида *кутухта* қуйи даражасидан *лаба* юқори даражасига бўлган диний мансабларнинг иерархиясини кузатишимиз мумкин. 1617 йил 19 мартдаги Тарск шаҳри атамани В. Тюменц ва ўнбоши И.Петровнинг Олтин-хон ҳузурига сафари тўғрисида Элчилик

<sup>26</sup>Ўша асар. – 149–151- с.

<sup>27</sup> МРМО1. – 292- с.

<sup>28</sup>Словарь русского языка XI–XVII вв. – М.: Наука, 1981. – 169- с.

<sup>29</sup> МРМО1. – 57- с.

<sup>30</sup> МРМО1. – 91- с.



девони суриштирув нуткида *кутухта* шарқона экзотизми матн ичидаги «авлиё» глоссаси билан берилган: «А про кутухту им рассказывал сам царь, что тот кутухта по их мусульманской вере у них святой, а прислан он к ним ис Лабинского государства»<sup>31</sup>.

Баъзи бир рус ёзма ёдгорликларида *кутухта* шарқона экзотизми *митрополит* ва *патриарх* сўзлари билан изоҳланади. Олтин-хон элчиси лаба Тархоннинг 1620 йил 11 январдаги ташриф мақсади тўғрисидаги Элчилик девонидаги суриштирув нутқларида давлат ҳаётида *кутухтанинг* ўрни ва ролини яна бир бор таъкидловчи маросим тасвирланган, ундаги ҳужжат матнига киритилган «начальник» глоссаси эса олдинги позицияда жойлашган: «...А коли они бывают на поклоненье у начальника своего, у кутухты, и они де ему поклонятца трожды до земли, и пришед к нему поклонитца, а кутухта на них накладывает руку. А коли де им лучится быть у китайскова царя или у которого инова их веры, и лаби де царем не кланяютца, а лабы на царей накладывают руки так же, как на них кутухта руку накладывает»<sup>32</sup>.

Сўнги давр ҳужжатларида *кутухта* шарқона экзотизми «уларнинг конунлари бошлиғи» глоссаси билан биргаликда ҳам учрайди: «...что он сродни кутухтин начальника их закону, и в которой области кутухта, всех скоро может склонить с собою»<sup>33</sup>. Аммо шуни таъкидлаш керакки, бу ерда қонун остида ишонч, дин, эътиқод тушунилади. Шу нарса аён бўладики, подъячий(мирза)лар *қонуншунос* (законник) сўзини изоҳ сифатида қўллашган.

Бу билан биз синонимик қаторни кенгайтириш имкониятига эга бўламиз: *кутухта* – *митрополит*, *патриарх*, *авлиё*, *монастырлар эгаси*, *бошлиқ*, *қонунлар эгаси*. «Словарь русского языка XI–XVII вв.» унинг икки шаклини қайд этган: *кутуфта*, *кутухта*. Биз кўриб чиқаётган манбалар мазкур шарқона экзотизмнинг бошқа фонетик вариантларини ҳам кўрсатишга имкон беради: *кутуфта*, *кутыхта*, *хутухта*, уларнинг мавжудлиги ушбу сўзни рус тилида сўзлашувчилар учун ноодатий эканлиги ҳақида дарак беради.

1641 йилда Ўрта Осиёдан Астрахангача ўзининг босиб ўтган йўлини барча ҳолатларини астрахан воеводаси, князи Н.И.Одоевский билан ўртоқларига батафсил тавсифлаган балх хони Ходжа-Иброҳимнинг элчилик хатида қўлланилган шарқона географик экзотизмлар, жумладан, *вилоят* экзотизми алоҳида қизиқиш уйғотади: «Затем вернулся в свой вилайети доложил о происшедших событиях своему падишаху»<sup>34</sup>.

А.С.Булгаков томонидан ушбу ҳужжатлар тўпламига тузилган камтушунарли сўзлар луғатида *вилайет* – «бошқарув бирлиги, округ, вилоят»<sup>35</sup> деб қайд этилган. «Словарь русского языка XI–XVII вв.» *вилайет* сўзини қайд қилмаган.

Ёзма ёдгорликларининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг матнларини яратишда Шарқ мамлакатларига олиб кирилган чармдан ишланган рус

<sup>31</sup> МРМО1. – 64- с.

<sup>32</sup> МРМО1. – 91- с.

<sup>33</sup> РКО. – 353- с.

<sup>34</sup> Материалы... – 169- с.

<sup>35</sup> Ўша асар. – 452- с.

буюмлари, ёғоч идишлар, мўйналар, шунингдек, шарқона кийим, мато номларини ишлатишган Ушбу маҳсулотларнинг ҳар бири, табиийки, ўз номига эга бўлган. Улар орасида келиб чиқиши шарқона бўлган *фарабат, лас, камка, зендень, киндяк, паф, атлас, камка; зүфрян, халат, чюга (чуга), азиям* каби матолар ва кийимларнинг номлари алоҳида эътиборни жалб этади. Улардан баъзиларини кўриб чиқамиз.

